

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

367 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2779-сон қарори)

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2779-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаменти зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 май,
288-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 16 майдаги 288-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 18 мартдаги 144-сон қарорига:

а) 13-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Олимпия шон-шухрати музейини ташкил

этиш тўғрисида» 1996 йил 14 августдаги 284-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 23-модда):

а) 4-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 2-бандидаги, 6-банди учинчи хатбошидаги, 8-бандидаги, 9-бандининг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, 12-бандининг тўртинчи хатбошидаги ва 15-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон Миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 452-сон қарорида:

а) 5-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 2-банди учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон Миллий
кубогини бериш бўйича республика комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Курбанов Р.Д. — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, *республика комиссияси раиси*
2. Султанов А.С. — Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси, *республика комиссияси раиси ўринбосари*
3. Джураев И.Т. — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
4. Турдиев Ф.К. — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
5. Лавозимига кўра — Олимпия шон-шухрати музейи директори
6. Джалилов Ш. — «Спорт» газетаси бош муҳаррири
7. Тожиев О. — «Камолот» ЁИХ Марказий кенгашининг раиси
8. Абилов Ф. — «Халқ сўзи» газетасининг спорт шарҳловчиси
9. Лавозимига кўра — Республика олий спорт маҳорати мактаблари директорлари.

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.»

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантириш фонди фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 июлдаги 283-сон қарорининг 8-бандидаги «Маданият ва

спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 4 ноябрдаги 484-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2003 й., 21-сон, 205-модда):

а) 8-банддаги «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши таркибидagi ўзгаришлар тўғрисида» 2004 йил 27 августдаги 407-сон қарори иловасининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш
жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг
ТАРКИБИ**

Мирзиёев Ш.М. — Ўзбекистон Республикаси Президенти, *Кенгаш раиси*
Арипов А.Н. — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, *Кенгаш раисининг ўринбосари*

Кенгаш аъзолари:

Нарбаева Т.К. — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
Шадманов А.К. — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири
Қурбонов Р.Д. — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси
Иноятгов У.И. — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири
Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири
Ходжаев Б.А. — Ўзбекистон Республикаси Молия вазири
Қосимов О.О. — Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси бош қотиби
Мансуров К.Т. — Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари
Мирзахидов Х.М. — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
Холмурадов С.Р. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки раиси
Муллажанов К.К. — «Асака» АТБ бошқаруви раиси
Тамикаев А.У. — «Агробанк» АТБ бошқарувининг раиси
Закиров Б.Э. — «Давархитектқурилиш» қўмитаси раиси

Санақулов Қ.С.	— Навоий кон-металлургия комбинатининг бош директори
Султанов А.С.	— «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси раиси
Шарапов А.К.	— «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
Дусмуратов М.М.	— «Ўзфармсаноат» акциядорлик концерни раиси
Хайдаров И.У.	— «Ўзбекенгилсаноат» АЖ раиси
Тожиев О.П.	— Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси
Ниязов Р.С.	— «Ватанпарвар» ташкилоти раиси».

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 88-модда):

а) номидаги ва 2-банддаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Халқ таълими вазирининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлиги» ва «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3, 4 ва 5-иловаларнинг номидаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4а-иловада:

номидаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

тузилмадаги «Вазир» сўзи «Раис» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 6-иловада:

номидаги ва 1-банддаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

тўққизинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи хатбоши ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

11-банддаги «Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоят-

лар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг тўртинчи хатбошидаги «халқ таълими вазири» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг биринчи хатбошидаги «халқ таълими бошқармаларига» сўзлари «жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Футбол бўйича тренерлар ва спорт ҳакамлари тайёрлаш республика мактаби фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 августдаги 176-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2006 й., 34-35-сон, 345-модда):

а) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 31 январдаги 23-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2007 йил, 4-6-сон, 44-модда) 2-банди биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2008 й., 24-25-сон, 226-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 1-иловининг 1-бандидаги, 25-бандининг биринчи хатбошидаги, 37, 38 ва 40-бандларидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловада:

2 ва 9-бандлардаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари

«Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» 2009 йил 29 июндаги 181-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 27-сон, 315-модда):

а) 2-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари
ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг
республика финал босқичини ўтказиш бўйича
ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

Иноятов У.И.	— Халқ таълими вазири, <i>ҳамраис</i>
Джураев И.Т.	— Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
Султанов А.С.	— Миллий Олимпия қўмитаси раиси
Рафиқов Қ.М.	— Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
Эргашев Р.М.	— Ички ишлар вазирининг ўринбосари
Гулямов Р.Х.	— Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
Алиханов Б.Б.	— Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари
Юсупалиев Б.Қ.	— Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
Ниязов Р.С.	— «Ватанпарвар» ташкилоти раиси
Ходжиматов М.М.	— Маданият вазирининг биринчи ўринбосари
Ҳазратқулов М.	— Миллий ахборот агентлиги бош директори
Акбаров А.А.	— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари
Шукуров А.С.	— «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари
Тожиев О.П.	— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси
Иномова С.Т.	— «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси
Лавозимиға кўра	— Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси ўринбосари — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори
Жавлонов Ш.С.	— Республика «Маҳалла» жамоат фонди бошқаруви раиси
Бакиев З.А.	— Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

- Баязитов К.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Жисмоний тарбия ва спорт шўъбаси мудири
- Сафаров Б.Б. — Халқ таълими вазирлиги «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, масъул котиб.

Изоҳ: «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи ўтказиладиган минтақаларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари мусобақа Ташкилий қўмитасининг ҳамраиси ҳисобланади.

Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтганда Ташкилий қўмита таркибига уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар киритилади.»;

б) 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг республика финал босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ТАРКИБИ

- Қосимов Р.С. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири, ҳамраис
- Лавозимиға кўра — Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори, раис ўринбосари
- Джураев И.Т. — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Султанов А.С. — Миллий Олимпия қўмитаси раиси
- Рафиқов Қ.М. — Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
- Эргашев Р.М. — Ички ишлар вазирининг ўринбосари
- Гулямов Р.Х. — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
- Алиханов Б.Б. — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари
- Юсупалиев Б.Қ. — Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
- Ниязов Р.С. — «Ватанпарвар» ташкилоти раиси
- Ходжиматов М.М. — Маданият вазирининг биринчи ўринбосари
- Ҳазратқулов М. — Миллий ахборот агентлиги бош директори
- Акбаров А.А. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари
- Шукуров А.С. — «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари
- Тожиев О.П. — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси

- Иномова С.Т. — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси
- Лавозимига кўра — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси ўринбосари — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи директори
- Бакиев З.А. — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими
- Баязитов К.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Жисмоний тарбия ва спорт шўъбаси мудири
- Лавозимига кўра — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ходими, *масъул котиб*.

Изоҳ: «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи ўтказиладиган минтақаларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари мусобақа Ташкилий қўмитасининг ҳамраиси ҳисобланади.

Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтганда Ташкилий қўмита таркибига уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар киритилади.»;

в) 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақаларининг республика финал босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита ТАРКИБИ

- Қосимов Р.С. — Олий ва ўрта махсус таълим вазири, *ҳамраис*
- Джураев И.Т. — Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Султанов А.С. — Миллий Олимпия қўмитаси раиси
- Рафиков Қ.М. — Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
- Эргашев Р.М. — Ички ишлар вазирининг ўринбосари
- Гулямов Р.Х. — Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
- Алиханов Б.Б. — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари
- Юсупалиев Б.Қ. — Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари
- Ниязов Р.С. — «Ватанпарвар» ташкилоти раиси
- Ходжиматов М.М. — Маданият вазирининг биринчи ўринбосари
- Ҳазратқулов М. — Миллий ахборот агентлиги бош директори
- Акбаров А.А. — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари
- Шукуров А.С. — «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари

Лавозимига кўра Бакиев З.А.	— Олий таълим муассасалари ректорлар кенгашининг раиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими
Баязитов К.Ф.	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Жисмоний тарбия ва спорт шўъбаси мудири
Лавозимига кўра	— Олий таълим талабаларининг республика «Талаба» спорт уюшмаси раиси, <i>масъул котиб.</i>

Изоҳ: «Универсиада» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичи ўтказиладиган минтақаларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари мусобақа Ташкилий қўмитасининг ҳамраиси ҳисобланади.

Ташкилий қўмита аъзолари бошқа ишга ўтганда Ташкилий қўмита таркибига уларнинг ўрнига янги тайинланган шахслар киритилди.».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 17 февралдаги 21-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2010 й., 6-7-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Ҳарбий академик лицей тўғрисидаги низомнинг 17-банди учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Олимпия захиралари коллежларида спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2010 й., 31-сон, 259-модда):

а) 1-иловада:

5-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» ва «Вазирлик» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «Қўмита» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларидаги, 16-банднинг биринчи хатбошидаги, 17, 30, 35, 36 ва 52-бандлардаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

60-банднинг учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» ва «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

62-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Худудий жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари
тасарруфига берилаётган олимпия захиралари коллежлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Коллеж номи	Худудий бошқарма
1.	Нукус олимпия захиралари коллежи	— Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси
2.	Андижон олимпия захиралари коллежи	— Андижон вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
3.	Бухоро олимпия захиралари коллежи	— Бухоро вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
4.	Жиззах олимпия захиралари коллежи	— Жиззах вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
5.	Қарши олимпия захиралари коллежи	— Қашқадарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
6.	Навоий олимпия захиралари коллежи	— Навоий вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
7.	Наманган олимпия захиралари коллежи	— Наманган вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
8.	Самарқанд олимпия захиралари коллежи	— Самарқанд вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
9.	Гулистон олимпия захиралари коллежи	— Сирдарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
10.	Тайлоқ олимпия захиралари коллежи	— Самарқанд вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
11.	Термиз олимпия захиралари коллежи	— Сурхондарё вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
12.	Чирчиқ олимпия захиралари коллежи	— Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
13.	Фарғона олимпия захиралари коллежи	— Фарғона вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
14.	Урганч олимпия захиралари коллежи	— Хоразм вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси
15.	Тошкент шаҳар* Республика олимпия захиралари коллежи	— Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси

*Изоҳ: * Ташкил этилган кундан буён (1961 йил) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тасарруфидadır».*

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 йил, 9-сон, 50-модда):

а) 1-иловада:

11-банддаги, 19-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 20-банднинг иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жис-

моний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги шартли белгиларнинг учинчи хатбошидаги, 25-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 29-банддаги, 30-банднинг иккинчи хатбошидаги, 64-банднинг биринчи хатбошидаги ва 68-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

7-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 25-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 31-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг ««Марказий ипподром» очиқ акциядорлик жамиятининг от спорти асосий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 27 декабрдаги 317-сон қарорининг 4-банди учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги 121-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Терма жамоалар ҳамда уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг энергия сарфларини қоплашга ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 13-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт терма жамоалари тўғрисидаги низомни ҳамда спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 14 июндаги 173-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 44-модда):

а) 1-иловада:

7, 13 ва 15-бандлардаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» ва «маданият ва спорт ишлари» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «жисмоний тарбия ва спорт» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» ва «маданият ва спорт ишлари» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «жисмоний тарбия ва спорт» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

6-бандда:

иккинчи ва бешинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«худудий календарь режа — у тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, худудий молия бошқармалари (бўлимлари) билан келишилган ҳолда шакллантирилади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар календарь режалари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан келишилади;»;

13-бандда:

«а» кичик банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«худудий календарь режага киритиш учун — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига спорт турлари бўйича худудий спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан (улар мавжуд бўлса) ва (ёки) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари томонидан;»;

23-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» ва «маданият ва спорт ишлари» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «жисмоний тарбия ва спорт» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 13 июлдаги 214-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 53-модда):

а) 1-иловада:

7-банднинг биринчи хатбошидаги ва 39-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловадаги «МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ» сўзлари «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш юзасидан
аттестациядан ўтказиш бўйича республика комиссияси
ТАРКИБИ**

Джураев И.	— Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, <i>Комиссия раиси</i>
Султанов А.	— Миллий олимпия қўмитаси бош котиби, <i>Комиссия раисининг ўринбосари</i>
Исраилов Ш.	— Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ректори
Лавозимиға кўра	— Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази
Лавозимиға кўра	— Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг директори
Мамадалиев Ш.	— Ўзбекистон спорт кураши ассоциациясининг бош котиби
Косимов Н.	— Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари в. в. б.
Рахматуллаев С.	— Ўзбекистон футбол федерациясининг биринчи вице-президенти
Султанов Ш.	— Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Сертификациялаш ва компьютерлаштириш марказининг директори, <i>Комиссия котиби</i> .

Изоҳ: Республика комиссияси аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади».

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги 278-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 39-сон, 453-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари рўйхатининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказлари» бўлими 12-банди «Вазирликлар ва идораларга мансублиги» устундаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 15 майдаги 132-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2013 й., 20 май, 20-сон, 258-модда):

а) 1-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги 226-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар Комплексининг 20, 24, 25, 31 ва 32-бандлари «Масъул бажарувчилар» устундаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 декабрдаги 346-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 1-сон, 4-модда) билан тасдиқланган Спорт турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари аъзолари бўлган спортчиларни тайёрлаш учун жалб этилган хорижий мутахассисларнинг иш шарт-шароитлари тўғрисидаги низомда:

а) 7-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» ва «Вазирлик» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» ва «Қўмита» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8, 18, 23, 24-бандлардаги ва 25-банднинг биринчи хатбошидаги «Вазирлик» сўзи «Қўмита» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 21-банддаги «Вазирликка» сўзи «Қўмитага» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 22-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг валюта маблағларини жалб этган ҳолда болалар спорти учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 майдаги 114-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 5-сон, 41-модда):

а) номидаги, 1-банддаги ва 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

номидаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг еттинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг «Субъектлар» устунидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод-2014» спорт мусобақалари ўтказилиши якунлари тўғрисида» 2014 йил 1 июлдаги 175-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 27-сон, 328-модда) 8 ва 9-бандларидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2014 йил 3 декабрдаги 331-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 49-сон, 583-модда) 3-банди иккинчи хатбошидаги ва 5-банди иккинчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрдаги 347-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 51-сон, 609-модда) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3 ва 29-бандлардаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» ва «маданият ва спорт ишлари» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» ва «жисмоний тарбия ва спорт» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 декабрдаги 348-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 51-сон, 610-модда) билан тасдиқ-

ланган Чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг 2-банди биринчи хатбошидаги, 12-банди биринчи хатбошидаги ва 46-бандидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 1 майдаги 109-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 5-сон, 34-модда) 5-бандида:

а) биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг Спорт ва жисмоний тарбия — оммавий тадбирлар республика календарь режасида назарда тутилган бюджет маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг бюджетдан ташқари бошқа маблағлари доирасида терма жамоалар аъзоларига тиббий хизмат кўрсатишга Спорт тиббиёти маркази билан тегишли йилга танлов (тендер) савдолари ўтказмасдан шартномалар тузиш ҳукуқи берилсин.»

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Спорт объектларини қуриш тартибини янада такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 20 майдаги 130-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 20-сон, 258-модда):

а) 5-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

14-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва бешинчи хатбошилардаги «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Спорт объектларидан фойдаланишни янада
такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб
чиқиш бўйича эксперт гуруҳнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Эксперт гуруҳи раиси	— Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг раҳбари
Раис ўринбосари	— Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари
Раис ўринбосари	— Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг ҳудудий вакили
Эксперт гуруҳи аъзолари	— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, спорт тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг бошқа мутахассислари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари
Эксперт гуруҳ котиби	— Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий бўлинмаси мутахассиси.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 11 декабрдаги 356-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2015 й., 50-сон, 625-модда) 3-бандидаги «Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий маҳорат спорт мактаблари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 28 январдаги 18-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 1-сон, 7-модда):

а) 1-иловада:

2-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

4, 6, 7, 17-бандлардаги ва 1-иловага изоҳларда биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

20 ва 37-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банднинг биринчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» ва «Маданият ва спорт ишлари вазири» сўзлари тегишлича «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» ва «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

4-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-иловада:

4 ва 13-бандлардаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг «Масъуллар» устундаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги 262-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига биринчи навбатда уланадиган электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар рўйхатининг II бўлими қуйидаги мазмундаги 9-банд билан тўлдирилсин:

«9. Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси».

33. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 36²-банд билан тўлдирилсин:

«36². Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси.».

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 октябрдаги 350-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 42-сон, 488-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси раҳбарининг функционал вазифалари тўғрисида низомнинг 8-банди тўртинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (жисмоний тарбия ва спорт масалалари бўйича)» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 18 ноябрдаги 388-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2016 й., 46-сон, 532-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) илованинг I-бўлими 1 — 3, 5 — 7-бандлари, 2-бўлими 2 — 8-бандлари, 3-бўлими 2 ва 3-бандлари «Масъул бажарувчилар» устундаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.